


ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ



"Таълим-тарбия – бу бизнинг келажагимиз, ҳаёт-мамот масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислоҳотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ"-дея, таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари. Қумқўрғон тумани ҳокими Р.Гаппаров бошчилигида ўтказилган йиғилишда таълим-тарбия масалалари муҳокама этилди. Тълим тизимида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Туман ҳокими томонидан масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.